

МОДАЛ СЎЗЛАРНИНГ СЎЗ ТАРТИБИДА ҚЎЛЛАНИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ.**Абдурахмонова Махсадхон Абдуганиевна**

Ўқитувчи.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон.

e-mail: maksadbonu69@gmail.com<https://doi.org/10.5281/zenodo.14902093>

Аннотация. Ушбу мақолада тилишуносликда модаллик категорияси, модал сўзлар ва модал ибораларга доир назарий қарашлар ва таҳлиллار ҳақида сўз боради. Сўз тартиби модалликнинг ифодаси сифатида француз тилида грамматик нуқтаи назардан таҳлил қилиниши, француз ёзувчиларининг асарларида мавжуд бўлган **ment** суффиксли модал сўзлар ва уларнинг гапдаги таржимаси ҳақида баён қилинади.

Модаллик категорияси мулоҳазанинг умумий мазмунини характерловчи муҳим белгилардан бири ҳисобланади, ва сўзловчининг ушбу мазмунга муносабатини билдиради, яъни унинг воқеликка муносабатини ифодалайди. Модал сўзлар (лат.*modalis*-ўлчов, усул) сўзловчининг ўз фикрига турлича муносабатни англатадиган ва фикрнинг аниқлиги, ростлиги, гумонлиги ёки шартлилигини ифодалаш учун хизмат қиладиган сўзлардир.

Таянч сўзлар: нутқ, интонация, инкор, сўроқ, тасдиқ, гумон, шартлилик

ОБЪЯСНЕНИЕ НАУЧНЫХ ТЕОРИЙ О КАТЕГОРИИ МОДАЛЬНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ, МОДАЛЬНЫХ СЛОВАХ И МОДАЛЬНЫХ ФРАЗАХ.

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические взгляды и анализ категории модальности в лингвистике, модальные слова и модальные фразы. В статье анализируется грамматический аспект порядка слов как выражения модальности во французском языке, рассматриваются модальные слова с суффиксом *ment*, встречающиеся в произведениях французских писателей, и их перевод в речь.

Категория модальности является одним из важных признаков, характеризующих общее содержание высказывания, и выражает отношение говорящего к этому содержанию, то есть его отношение к действительности. Модальные слова (от лат. *modalis* — мера, метод) — слова, указывающие на различное отношение говорящего к собственному мнению и служащие для выражения определенности, истинности, сомнения или условности мысли.

Ключевые слова: речь, интонация, отрицание, вопрос, утверждение, подозрение, условное наклонение

EXPLANATION OF THE SCIENTIFIC THEORY OF THE CATEGORY OF MODALITY IN LINGUISTICS, MODAL WORDS AND MODAL PHRASES.

Abstract. This article discusses the category of modality in linguistics, theoretical views and analyses of modal words and modal phrases.

The analysis of word order as an expression of modality in French from the grammatical point of view is presented, as well as modal words with the suffix *ment* present in the works of French writers and their translation in speech.

The category of modality is one of the important features characterizing the general content of the argument, and expresses the speaker's attitude to this content, that is, his attitude to reality. Modal words (lat. *modalis* - measure, method) are words that express different attitudes of the speaker to his own opinion and serve to express the certainty, truth, doubt or conditionality of the thought.

Key words: speech, intonation, denial, question, affirmation, suspicion, conditionality.

Модалликни синтактик ифодалашга қуйидагилар киради: сўз тартиби, алоҳида синтактик конструкциялар ва интонация. Улардан сўз тартиби ва синтактик конструкциялар, умумий қоида сифатида, хабар қилинаётганнинг алоҳида маъноларини ифодалядилар; интонация эса, Ш. Баллининг тўғри қайд қилишича, хабар қилинаётганнинг алоҳида сўзларига ёки қисмларига тегишли эмас, балки унинг умумий тузилишида қандайдир яхлитликнинг барқарорлигини намоён қилади.¹ Модалликни ифодалашнинг ҳар бир турининг маъносини ва шакллари алоҳида қараб чиқамиз.

1. Сўз тартиби модалликнинг ифодаси сифатида. Сўз тартиби модалликнинг ифодаси сифатида француз тилида гап бўлақларининг катта барқарорлиги ва кетма-кетлиги туфайли рус тилига қараганда анча чекланган қўлланилишга эга. Шундай бўлса-да, айнан модаллик маъноси, биринчи навбатда, бу тилда уни мулоҳазанинг умумий мазмунига бўйсундириб, одатдаги сўз тартибини бузади.

Француз тилидаги сўз тартиби ҳақида тадқиқотчиларнинг хилма-хил фикрлари мавжуд, шу билан бирга улар ўртасида турли хилдаги келишмовчиликлар ҳам бор. Мисол учун, кўпинча модал маънога эга бўлган *-ment* суффиксли равишлар тўғрисида, биз кўрдик-ки, ҳамма тадқиқотчилар ҳам уларнинг гапдаги тартибини бир хилда баҳоламайдилар. Айрим тадқиқотчилар, бу равишлар модаллик ифодаси бўлган ҳолларда гапнинг бошида турадилар, деб ҳисоблядилар.² Бошқалари эса, бу равишлар ёки гапдан

¹Ch. Bally. Linguistique générale et linguistique française, p. 37.

²F. Brunot. La pensée et la langue, p. 514.

олдин келадилар ёки ундан кейин келадилар, деб ҳисоблайдилар.³ Ниҳоят, учинчилари бу равишлар гапнинг ҳам бошида, ҳам охирида ва ҳам ўртасида бўлишлари мумкин, бунинг устига бу равишларнинг жойлашуви улар ҳамма гапга умуман тегишли бўлганида мумкин, деб тан оладилар. Бундай қоидага мисол бўлиб қуйидаги гаплар хизмат қилишлари мумкин: *Naturellement il a refusé de venir, – Il a refusé de venir, naturellement, – Il a, naturellement, refusé de venir.*⁴

Ҳозирги француз ёзувчиларининг асарларида кўриб чиқиладиган равишларнинг тартибини кузатиш кўрсатадики, ушбу равишларнинг гапдаги ўринлари ўзларининг чуқур сабабларига эгадирлар. Бу равишларнинг кўриб чиқиладиган француз ёзувчилари асарларида *heureusement, simplement, sûrement, seulement* каби равишларнинг қўлланилиши тўғрисидаги маълумотларни келтирамыз.

Heureusement кўриб чиқиладиган асарларда етарли даражада кўп учрайди. Аксарият кўпчилик ҳолларда биз уни гапнинг бошида, камроқ ўртасида ва охирида учратамыз. Ҳақиқатан, кўриб чиқиладиган асарлардаги тахминан *heureusement* ли 10 та гапнинг саккизтасида *heureusement* гапнинг бошида туради, битта гапда – ўртасида ва битта гапда охирида учратамыз.

Heureusement гапнинг бошида:

- *Ça devient Heureusement, il y a plusieurs sorties (Bonte, Le chemin, p. 30).*
- *Colomb a tout d'un coup tendu l'oreille; heureusement, Clerget était bien à son poste et a réussi, par le signal convenu à faire arrêter l'ouvrage immédiatement (Cogniot, L'évasion, p. 23).*
- *Heureusement la fusillade reprend (Aut. Progr, p. 187).*
- *Heureusement, les femmes sont là (Laff., Ceux qui vivent, p. 83).*
- *Heureusement, une fois dégagées l'entrée et la grande fenêtre et la terre jaune repoussée d'un mètre en un mur oblique où la lumière se laissait glisser avec les éboulis, le béton avait bu l'humidité, et il faisait beaucoup plus clair (Stil, le premier, p. 31).*
- *Fort heureusement, nous ne restons que 45 minutes sous la pluie (Ўша жойда, 315).*

Ажратишда *heureusement* ни гапнинг бошида ҳам учратамыз:

- *Des cas comme ça, heureusement, c'est rare dans le peuple (Téry, La porte, p. 44).*

Heureusement гапнинг ўртасида:

- *Personne heureusement ne lui avait reproché d'être en chômage...Morg., Mauv. gr., p. 94).*

Heureusement гапнинг охирида:

³M. L. Müller- Hauser. La mise en relief d'une idée en français moderne, p. 140.

⁴Wartbug W. et Zumthor P. – Précis de syntaxe du français contemporain, p. 717.

– Anne-Marie commençait à aimer son métier et à gagner sa vie, heureusement (Tr., Les fantômes, p. 106).

Бу гап Э. Триоленинг “Les fantômes armés” асарида мавжуд, бу ерда одатда heureusement гапнинг бошида туради. Ўйлаш мумкинки, равишнинг ўрни бу ерда гапнинг мазмуни билан белгиланади: равиш гўё ёзувчининг Анна-Мариянинг ҳаёти ҳақидаги олдинги хабарларининг хулосасини намоён қилади. Чунки у гўё муаллифнинг Анна-Мариянинг тақдирига маълум муносабатини кўрсатувчи хотимаси ҳисобланади.

Heureusement дан фарқли равишда simplement равиши кўриб чиқиладиган асарларда гапнинг ўртасида ва ниҳоятда камдан-кам охирида қўлланилади. Шу билан бирга у кўп ҳолларда кесимга, бу кесим феъл кесимми ёки от кесимми, бундан қатъий назар, тегишли бўлади. Гапнинг бошқа бўлаклари олдида simplement нинг қўлланилиш ҳоллари ҳаддан ташқари кам бўлади. Феъл кесим билан simplement нинг қўлланилишига митсоллар келтирамиз:

Le gardien qui se tenait dans la passage vitré... regardait venir Robert et Carapasse... sans gueuler. Il ouvrit simplement la porte du préau où devait entrer Robert (Tr., Les fantômes, p. 306).

Мана шу қўлланилишда simplement равиши tout simplement кучайтириш билан ҳам бўлади:

–... Il y avait des gens qui lui avaient tout simplement tourné le dos (Ar., Les cloches, p. 111).

– Le lieutenant Desgoutte-Valèze ne la voit tout simplement pas (Ўша жойда, 111-бет).

Келтирилган мисолларда кўриб турибмизки, simplement нинг феъл кесим билан қўлланилиши одатдаги тартибга эга, яъни у содда замонда феълдан кейин, мураккаб замонда эса ёрдамчи феълдан кейин жойлашади. От кесимда эса бу равиш боғловчи феъл ва от кесим ўртасида туради:

– Ils sont tout simplement le produit d’un régime : le fascisme (Laff., Ceux qui vivent, p. 253).

– Ce n’était pas facile de se loger, s’était même simplement impossible (Tr., Les fantômes, p. 16).

Илгари айтиб ўтилганидек, simplement ни биз гапнинг бошқа бўлаклари билан камдан-кам учратамиз. Кўриб чиқиладиган асарларда биз уни унга бевосита битишадиган аниқловчи олдида учратамиз:

– Un cafard simplement intolérable... (Tr., Les fantômes, p. 107).

– L’ami de Jacquot, que celui avait présenté à Anne-Marie sous le nom de Roland, simplement, avait une voix d’intellectuel... (Tr., Les fantômes, p. 146).

Шундай қилиб, *heureusement* ва *simplement* нинг модал сўзлар сифатида қўлланилишидаги фарқ шундан иборатки, уларнинг биттаси умуман бутун гапга, бошқаси – биринчи навбатда, унинг алоҳида бўлакларига тегишли бўлади, демак биринчиси бутун мулоҳазага нисбатан маълум нозик фарқ беради, иккинчиси эса бу нозик фарқни ёки ҳаракатни (ҳолатни) ёки сифатни таъкидлаб, фақат гапнинг алоҳида бўлагига тўплайди.

Юқорида таҳлил қилинган *-ment* суффиксли равишлардан ўзининг гапдаги ўрни билан кўриб чиқиладиган асарларда *sûrement* ажралиб туради. Бу равишни жойига нисбатан 2 хил ҳолатда – гапнинг ўртасида ва охирида учратамиз. Кўриб чиқиладиган асарларда *sûrement* тахминан бир хил миқдордаги ҳолларда, ҳам гапнинг ўртасида, ҳам гапнинг охирида қўлланилади. Гапнинг ўртасида у, биринчи галда, кесим билан бирга ва жуда камдан-кам аниқловчи билан бирга ишлатилади, яъни биз худди *simplement* равиши каби қўлланилишга эга бўламиз.⁵ Кейингисидаги каби, *sûrement* нинг кесим билан қўлланилиши ҳам феъл кесим билан, ҳам от кесим билан бир хил бўлиши мумкин, ундан ташқари, кесимга нисбатан оддий жойни сақлаб қолиш билан, яъни ёки бевосита феълдан олдин, ёки кесимнинг таркибий қисмлари ўртасида бўлиши мумкин.

Sûrement кесим билан:

- ... quand il reviendra... il viendra sûrement vous voir ... (Tr., Les fantômes, p. 155).
- C'est sûrement lui (Ўша жойда, 269-бет).

Sûrement аниқловчи билан:

- Le conducteur de la petite voiture est le lieutenant un Tel; un jeune homme sûrement élégant, avec une voix de salon (Tr., Le premier accroc, p. 359).

Гапнинг охирида қўлланилган *sûrement* одатда хулоса маъносини қўлга киритади:

- C'est une sonnerie de téléphone, sûrement (Tr. , Les fantômes, p. 60).
- Il ne voudra pas avoir l'air plus ignorant que toi, il acceptera sûrement (Cognot, L'évasion, p. 25).

Ушбу гапларда *sûrement* мулоҳазанинг ҳаммасига тегишли бўлади; у гапнинг ўртасида бўлган пайтларида, биринчи галда, ўзи битишаётган бўлакка тегишли бўлади.

Келтирилган равишларнинг ҳозирги Франциянинг прогрессив ёзувчилари асарларида қўлланилиши тан олишга ҳамма асос берадики, В. Вартбург ўзининг *-ment* суффиксга эга бўлган модал маъноли равишлар бутун гапга тегишли бўлган пайтларида гапнинг бошида, ўртасида ва охирида туриши ҳақидаги ўз фикрини етарли даражада

⁵ Қайд қилиш керакки, баъзи бир тадқиқотчилар айрим ҳолларда равишларнинг ҳақиқий тартибининг аҳамиятини таъкидлайдилар; ҳа, масалан, Блинкенберг ўзининг “L'ordre des mots en français moderne” (II қисм, 155-156-бетлар) ишида *-ment* суффиксли равишнинг сифатнинг аниқловчи вазифасидаги ўрни одатда сифатдан олдин, деб кўрсатади; бироқ айрим ҳолларда у сифатдан кейин туриши мумкин, бу билан энг катта ифодалиликини қўлга киритади (... la place exceptionnelle rendait à celui-ci toute son expressivité primitive).

асослай олмаган. Келтирилган мисоллар кўрсатади-ки, гапнинг ҳаммасига, биринчи навбатда, гапнинг бошида ва охирида турган ўша модал маъноли равишлар кирадилар.

REFERENCES

1. Виноградов В.В. О категории модальности и модальных словах в русском языке - Избранные труды. Исследования по русской грамматике. - М.: Наука. 1975. - С. 54 - 87.
2. Ёқубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланишининг семантик хусусиятлари. - Т.: Фан, 2005. - 224 б.
3. Нурмонов А. Маҳмудов Н. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Т.: Фан, 1992. – Б. 80-89.
4. Панфилов В. 3. Категория модальности и ее роль в конституировании структуры предложения и суждения ВЯ. - М., 1977. № 4.
5. Распопов И.П. Заметки о синтаксической модальности и модальной квалификации предложения. – В. кн.: Синтаксис и интонация. Вўп.2. Уфа, 1973.
6. Н.Қ.Турниёзов Нутқ ва унинг эгоцентрик характери хусусида баъзи мулоҳазалар Тил ва нутқ систем-сатҳ талқинида. Самарқанд ДЧТИ, 2005. - Б. 21-22 .
7. Morgane Mauvais-Grammier. “Les tribulations d’une âme en quête de rédemption”, P,1892 p.59.120
8. Tristan Bernardning “Les Fantômes”,P,1919 p156
9. Pierre Bonte “Le chemin”, P, 1952.p320.
10. Morgane Mauvais-Grammier. “Les tribulations d’une âme en quête de rédemption”, P,1892 p.94.120.
11. Tristan Bernardning “Les Fantômes”,P,1919 p106.